

«16» 12 2022 йил

Ўзбекистон тумани

Умурзев Ота Арзуевич бундан буён матнда «Маҳсулот етказиб берувчи» деб аталади корхона номидан раҳбари Умурзев Мир томондан бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи Ўзбекистон туман Ободонлаштириш бошкармаси номидан амалдаги Низом асосида фаолиятни амалга оширувчи раҳбар Ф Муратов иккинчи томондан ушбу шартномани қуйдагилар тўғрисида тuzдилар.

## 2. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» буюртмачига мазкур шартнома шартлари асосида қуйидаги миқдор ва қийматларда маҳсулотларни сотади. «Буюртмачи» эса маҳсулотни ҳақини шартнома шартлари ва муддатлари асосида тўлаб, қабул қилиб олади.

т.р.	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Бодом кучати	дона	10000	14900	14900000

Ун турт миллион туккиз юз минг сум

## 2. ҲИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1 Маҳсулот учун тўлов мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб «Буюртмачи» томонидан олдиндан 30% миқдорида пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

2.2 «Буюртмачи» томонидан шартнома умумий суммасининг 70% тўлови «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан маҳсулот (иш ва хизматлар) етказиб берилгандан ва ҳисоб-фактуралар тақдим қилингандан кейин амалга оширилади.

2.3 Маҳсулотни топшириш вақтида нарх ўзгарса, «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи» огоҳлантирилади ва уни розилигини олади.

2.4 Қабул қилиб олинган маҳсулотларнинг тўлов муддати 20 иш кунда амалга оширилади.

2.5 Томонлар ўртасида ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 3. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1 Етказдириб бериладиган товар ёки маҳсулотларларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати) ва «Буюртмачи» нинг талабларига мос келиши шарт.

3.2 «Маҳсулот етказиб берувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг маҳсулотни 5 иш кунни давомида «Буюртмачи» га етказдириб бериши шарт.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Ушбу шартномадаги шартлар асосида маҳсулот ва унга тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га топширади.

4.2 «Буюртмачи»га берилиши лозим бўлган маҳсулотни ва давлат стандартларига жавоб беришини қайта текширувдан ўтказади.

4.3 «Буюртмачи»га маҳсулот топширилгандан сўнг уни сақлаш ва қандай ҳолда ишлатиш каби ҳолатларга жавобгарликдан мустаснодир.

4.4 «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, маҳсулотни сони, сифатига қараб ўз вақтида қабул қилиб олиш.

4.4 Тегишли даражада сифатли бўлмаган ҳолда маҳсулот келиб аниқланганда, далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 иш куни ичида «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан оғохлантириши.

## 5. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

5.1. Мазкур шартлар тарафлар, уларнинг каффилланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очик ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупсиявий фаолиятга аралашши хатарларини минималлаштиришига шунингдек тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада сақлашга қаратилган.

5.2. Тарафлар мазкур шартларга риоя қилиш ҳамда мазкур шартнома бўйича ҳаракат қилувчи ўз каффилланган шахслари ва ишчилари томонидан риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек мазкур шартларнинг амалда бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатларда бир бирига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади.

5.3. Тарафлар мазкур шартномани бажаришда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек ўз каффилланган шахслари ва ишчилари ушбу ҳаракатларни бевосита ёки билвосита амалга оширмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади: мансабдор шахслар, мансабдор шахсларнинг қариндошлари ёки мансабдор шахслар томонидан кўрсатилган шахслар, ёхуд давлатга бирон тарзда алоқадор шахсларга тарафлар, мазкур шартнома бўйича ҳаракат қилувчи уларнинг каффилланган шахслари ва ишчилари учун ноқонуний равишда устунликларга эга бўлиш мақсадида пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ. рағбатлантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (оқланмаган устунлик бериш, бирон-бир кафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлаштириш ва ҳ.) таъминлаш мақсадида бошқа тараф ишчиларига, унинг каффилланган шахсларига пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ. коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга ҳилоф ва гайриҳуқуқий бошқа ҳаракатлар.

5.4. Агар тарафда коррупсиявий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки содир этилиши мумкинлиги ҳақида гумонлари пайдо бўлса, тегишли тараф бошқа тарафни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади ва тегишли ҳуқуқбузарлик содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги ҳақида бошқа тарафнинг тасдиқномасини олгунга қадар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари ижросини тўхтатиб туришга ҳақли. Тасдиқнома ёзма хабарнома олинган санадан 10 (ўн) банк иш куни давомида юборилиши лозим.

5.5. Бир тараф коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда ёки бошқа тараф ҳуқуқбузарлик содир бўлмаган ёки содир бўлмаслиги ҳақида ўрнатилган муддатда тасдиқнома олмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар қодалари асосида шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан тараф, шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## 6. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК

6.1 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганда, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 25 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2 Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Буюртмачи» томонидан «Маҳсулот етказиб берувчи»га суммани 25 фоизи миқдорида жарима ва ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизини, аммо тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

### 7. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1 Томонлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, кургокчилик, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар) Форс мажор туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа жавобгар бўлмайди.

### 8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1 Ушбу шартнома ҳар иккала томонлар томонидан имзоланган ва ҳуқуқшунос томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний кучга киради. Шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади ва ҳар иккала томонга бир нусхадан берилади.

8.2. Ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди.

8.3. Имзоланган шартнома «31» декабрь 2022 йилгача амалда қилади.

8.4. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай низолар тарафлар келишуви билан ҳал этилмаса, судлар томонидан кўриб чиқилади.

«МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

*Умирзоқ ота Ҳуснов*  
Манзил: *Бешаркит тумани*

ш/хр: *20208000505308945001*

Х/р: *Аллоҳ баш Бешаркит*

Вазир: *00401*

ИНН: *304938685* ОКОНХ:

Тел.: \_\_\_\_\_



«БУЮРТМАЧИ»

Ободонлаштириш бошкармаси\_

Манзил: А Навоий кучаси № 29уй

ш/хр100022860302307065200110001

Х/р:23402000300100001010 инн 200189280

Банк: Марказий банк Тошкент ХККМ

ИНН:201122919\_ МФО 00014

Тел.: \_\_\_\_\_



Ф Муротов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

EP6326023643

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **kuchat sotib olish uchun**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: O‘ZBEKISTON TUMAN OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 16.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

O‘zbekiston tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:



S.G‘.XURSANOV  
16.12.2022